

**№ S/4 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***Nº S/4 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ .....	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ .....	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTALARINING O'RNI .....	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ .....	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN .....	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ .....	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH .....	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН .....	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН .....	96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI .....	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ҮРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbanova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ....	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348
-------------------------------------	---	---------

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
--	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399
----------------------------------	---	---------

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415
-------------------------------------	---	---------

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI  
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукрова Нафиса Алишеровна*

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН  
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ..... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING  
AHAMIYATI ..... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ..... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ..... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI  
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ..... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ..... 457-465

*Atamuratova Munira*

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY  
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL  
METODLAR TAVSIFI ..... 466-471

*Нурилло Эминов*

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА  
БИР НАЗАР ..... 472-476

**Аббасов Беҳзод Бахтиёрович,**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,  
Наманганд Муҳандислик-Курилиш институти  
Tel: +998935611062. E-mail: [hitman\\_7707@mail.ru](mailto:hitman_7707@mail.ru)

## **1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ**

**Аннотация.** Мақолада ЎзССРнинг урушдан кейинги йиллардаги қишлоқ хўжалиги ривожланишининг муаммолари ёритилган. Совет раҳбарияти Республика ҳукумати олдига пахтачиликни ривожлантиршнинг келгусидаги режаларини белгилаб берди. Натижада қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда пахтачилик Республика иқтисодиётида устувор аҳамият касб этди ва Ўзбекистон ССРни келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида негатив оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, мелиорация, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, саноат.

---

**Беҳзод Бахтиёрович Аббасов,**  
доктор философии по историческим наукам (PhD),  
Наманганская инженерно-строительный институт

## **В 1946 – 1965 ГГ. НАЧАЛО ОРОШЕНИЯ И РЕКУРАЦИОННЫХ РАБОТ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ПЕРЕСЕЛЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ НА ВНОВОСЬЕМНЫЕ ЗЕМЛИ**

**Аннотация.** В статье изучены проблемы развития сельского хозяйства УзССР в послевоенные годы. Советское руководство поставило перед правительством республики задачу дальнейшего развития хлопководства. В результате сельское хозяйство, в первую очередь хлопководство стало приобретать приоритетное значение в экономике республики, что стало причиной для возникновения в дальнейшем негативной тенденции в социально-экономическом развитии Узбекской ССР в целом.

**Ключевые слова:** Узбекская ССР, экономика, сельское хозяйство, хлопководство, мелиорация, социально-экономическое развитие, промышленность.

---

**Behzod Baxtiyorovich Abbasov,**  
Doctor of philosophy on historical science,  
Namangan Institute of Engineering and construction.

## **THE BEGINNING OF IRRIGATION AND RECREATION WORKS AND THE MOVEMENT OF THE POPULATION TO NEWLY ADOPTED LANDS IN THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS 1946-1965**

**Abstract.** The article studies the problems agricultural development of the Uzbek SSR in postwar years. The Soviet leadership entrusted the government of the republic with the task to further develop the cotton

production. As a result, agriculture, primarily cotton growing, became a priority in the economy of the republic, which resulted in the emergence of a further negative trend in the social and economic development of the Uzbek SSR as a whole.

**Key words:** Uzbek SSR, economy, agriculture, cotton growing, land reclamation, socio-economic development, industry.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N01>

**Долзарблиги.** Фарғона водийсида ирригация ва мелиорациянинг урушдан кейинги йиллардаги ривожланиши ва аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш муаммолари мақоланинг асосий ғоясини ташкил этади. Совет раҳбарияти Республика ҳукумати олдига пахтачиликни ривожлантиршнинг келгусидаги режаларини белгилаб берди. Пахтачилик Республика иқтисодиётида устувор аҳамият касб этди ва Ўзбекистон ССРни келгусидаги ижтимоий-иктисодий ривожланишида негатив оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

**Методлари.** Ушбу мақола қиёсий таҳлил, тарихийлик, илмийлик, узвийлик каби методларга таянилган ҳолда ёзилиб, унда пахтачилик Республика иқтисодиётида устувор аҳамият касб этгани ўрганилган.

**Тадқиқот натижалари.** Иккинчи жаҳон уруши арафасида Катта Фарғона каналининг қурилиши, Сариқсув каби йирик коллекторларнинг ишга тушиши ҳамда “Охунбобоев” каналининг кенгайтирилиши қишлоқ хўжалигини комплекс усулда янада ривожлантириш учун зарур бўлган иқтисодий имкониятларни яратди.

Фашизмга қарши уруш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, Фарғона водийсида ирригация ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилган. Мазкур даврда Фарғона водийси сув хўжалигида амалга оширилган ишлар, асосан, гидроиншоотларни анъанавий ҳашар йўли билан барпо этиш ва асосий эътиборни экин майдонларини кўпайтиришга қаратилган эди. Натижада, 1941–1945 йилларда Фарғона водийси областларида жами 96000 гектар янги ерлар ўзлаштирилди [1. 34]. Лекин, ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Марказий Фарғона ерларини уруш давридаги суғориш ва ўзлаштиришга асосан 1943 йилнинг бошларида киришилган эди. Ушбу даврда барпо этилган гидроиншоотлар қурилиш материаллари ва мутахассисларнинг этишмаслиги туфайли улар маҳаллий материаллардан содда, вақтингчалик, яъни ярим инженерлик типида қурилган эди.

Уруш йилларида бутун Республикада бўлгани сингари, Фарғона водийси сув хўжалигида ҳам мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор, ариқ ва зовурларни тозалаш, таъмирлаш ҳамда дехқончиликда агротехник қоидаларга амал қилинмаганлиги туфайли, яъни алмашлаб экиш жорий этилмаганлиги учун дехқончилик қилинадиган ерларнинг шўрланиш ва ботқоқлашиш жараёни тезлашди [2. 180].

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда Фарғона водийсининг Республика қишлоқ хўжалиgidagi ўрнини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мазкур миңтақа иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири – бу пахта этиштиришни тез суръатлар билан ошириш эди. Совет ҳукумати томонидан қўйилган режага кўра, 1946 йилда Наманган обlastida 78 минг га, Фарғона обlastida 108 минг га, Андижон обlastida эса 112 минг га ер майдонида пахта этиштириш белгиланган эди. Мазкур областларда ҳар гектардан олинадиган ҳосил эса

Республика бўйича (Тошкент области билан бир қаторда) энг юқори қўрсаткични, яъни мос равишда 16 ү, 16,6 ү ва 17,6 ү ни ташкил қилиши керак эди [2. 249].

Бу каби режа топшириқлари кейинчалик барқарор тенденцияга эга бўлиб, нафақат пахта ҳосилдорлигини ошириш, балки пахта экин майдонларини ҳам кенгайтириш вазифалари қўйилди. Масалан, кейинги 1947 йилги режа бўйича Фарғона водийси областлари олдига қўйидаги вазифалар қўйилган эди:

Ўзбекистон ССР олдига 1947 йил учун аввалги йилга нисбатан пахта еиштиришни 100 000 гектарга қўпайтириш белгиланган эди, лекин сал вақт ўтгандан кейин Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг март пленумида (1947) областлар олдига қўйилган пахта ҳосилдорлиги бўйича режа “минимал давлат вазифалари” бўлганлиги сабабли, Фарғона водийси областлари партия ва совет ташкилотлари, колхоз ҳамда совхозларининг ташаббусига кўра ҳосилдорликни Андижон области бўйича 23,5, Фарғона области бўйича 18, Наманган области бўйича эса 20 центнерга етказиш белгилаб қўйилди. Умуман олганда, мазкур йилда Фарғона водийси областлари пахта хом-ашёсини етиштиришни 700 минг тоннага етказишлари керак эди [3. 273].

Совет ҳукумати мазкур масалага урушдан кейинги йиллардаги қийинчиликлар, шунингдек, Республиканинг ер-сув ва демографик ресурсларини инобатга олмаган ҳолда ёндашган. Режа топшириқларининг муттасил ортиб бориши, Республика, шу жумладан, Фарғона водийси областларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига салбий таъсир қўрсатди. Шу билан бирга, пахта экин майдонларини кенгайтириш водийда янги ерларни жадал суръатлар билан ўзлаштириш каби вазифани ҳам талаб этар эди.

Марказий Фарғона чўлида, шунингдек, водийнинг бошқа худудларида ҳали ўзлаштирилмаган қўриқ ва бўз ерлар мавжуд бўлиб, бу, албатта, ҳали фойдаланилмаётган улкан иқтисодий имконият эди. Шунинг учун 1947 йилда Ўзбекистон ССР бўйича 260,7 минг га ер майдонини ўзлаштириш режалаштирилди. Республика областлари бўйича янги ерларни ўзлаштириш қўйидаги ҳажмда белгиланди: Сурхондарё обlastda – 10,4 минг, Наманган обlastida – 15,3 минг, Фарғона обlastida – 20,3 минг, Қашқадарё обlastida – 21 минг, Самарқанд обlastida – 21,7 минг, Бухоро обlastida – 23,2 минг, Хоразм обlastida – 30 минг, Андижон обlastida – 33 минг, Қорақалпоғистонда – 38,9 минг, Тошкент обlastida эса 46,9 минг га [3. 278].

Янги ерларни ўзлаштиришга Ўзбекистон ССР, шу жумладан, Фарғона водийси областларида Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан киришилган ва ушбу жараённи янада тез суръатлар билан амалга ошириш айнан юқорида қўрсатилган Ўзбекистон Компартиясининг Пленумида катта эътибор берилди.

Мазкур анжуманда ушбу масалада янги қўриқ ва бўз ерларда амалга оширилаётган ишларда жуда кўп камчиликлар мавжудлиги эътироф қилинган эди. Ушбу камчиликлар қаторида ташландиқ (перелог) ерларни ўзлаштириш муаммоси ҳам бор эди. Ушбу қўриқ ва бўз ерларга кўчирилган колхозчилар ҳамда сафарбар қилинган бригадалар учун ишда ва майший турмушда зарур бўлган шарт-шароитлар йўқ эди. Улар уй-жой, хўжалик бинолари, зарур бўлган қишлоқ хўжалик қуроллари ва ишчи ҳайвон билан таъминланмади ҳамда маданий-майший шароитлар яратилмади, шунингдек, йўл қурилиши ўлда-жўлда тарзда олиб борилган.

Давлат томонидан қўчирилган хўжаликларга берилган имтиёзлар ва моддий ресурслари унумли фойдаланилмаган. Натижада, йўл қўйилган ушбу камчиликлар оқибатида суғориладиган янги ерларни ўзлаштиришда зарур бўлган натижага эришилмади, шунингдек, янги колхозларни ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак бўлган кўчма бригадалар кўп одамларнинг ишдан бўшаб кетганлари сабабли тезда тарқаб кетган эди.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёнидаги бу каби камчиликлар айниқса Андижон ва Наманган областларида кўп бўлганлиги сабабли, Республика сиёсий раҳбарияти томонидан мазкур областлар раҳбарияти қаттиқ танқидга учради ва улардан тезда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш талаб қилинди [3. 278].

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда янги колхозларни ташкил қилиш жараёнида ирригация ва мелиорация ишларини ташкил қилиш, ушбу соҳани жадал суръатда ривожлантириш, янги ирригация обьектларини қуриш муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун совет ҳукумати ва Республика раҳбарияти бу каби ишларга кам аҳамият берилаётганини, урушдан аввалги йилларда ҳашар йўли билан ташкил қилинган каналлар қурилиши тажрибаси унтилганини кескин танқид қилди. Ирригация-мелиорация ишларига водий областлари раҳбарлари томонидан кам эътибор берилиши оқибатида давлат томонидан ажратилган маблағнинг ярми ҳам ўзлаштирилмаган. Ушбу ҳолат нафақат Фарғона водийси областлари, балки бутун Республикага ҳам тааллукли эди.

Ирригация ва мелиорация ишларининг бажарилиши нафақат сув танқис районлардаги вазият, шу билан бирга янги ўзлаштирилаётган ерлардаги ҳосилдорликни кўтаришга кучли туртки бўлар эди. Ушбу пленум янги ирригация қурилишига аввал қурилган ирригация обьектларидан унумли фойдаланишни қарши қўйиш бўйича бўлган ҳар қандай уринишларнинг ўта заарли эканлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу масалалар бир вақтнинг ўзида ечилиши муҳимлигини уқтиради.

Шунинг учун Республика раҳбарияти областлар олдига сув танқислиги муаммосини ечишда районларнинг шароитидан келиб чиқиши тавсия қиласди. Масалан, сув таъминоти яхши бўлган ва ирригация тизими ривожланган районлар сувдан тўғри ва унумли фойдаланиши натижасида янги ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади. Ирригация тизими яхши ривожланмаган ва сув танқис бўлган районлар учун эса асосий вазифа бу янги ирригация обьектларини кенг миқёсда қуришни ташкил қилиш, сув танқислигини бартараф қилиш ва шу орқали янги суғориладиган ерларни ўзлаштиришни кенгайтириш учун шароит яратиш керак эди [3. 279].

Шунинг учун янги ерларни ўзлаштириш ва аҳолини ушбу ерларга қўчиришни унумли ташкил қилишда кенг миқёсда янги ирригация обьектларини қуриш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Мазкур жараён ирригация ривожига тўсиқ бўлмасдан, балки пахтачиликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши зарур бўлган.

Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти Республика ҳукумати, областлар раҳбарияти олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

– СССР ҳукуматининг 1946 йил 2 февралдаги қарорига кўра, мазкур йилда Республикада янги ирригация қурилишини муддатидан олдин бажаришни таъминлаш ва шу асосда 230 минг гектар суғориладиган ерни ўзлаштириш;

- 1947 йилда Каттақўрғон сув омборининг сифимини 200 млн қуб. м га ва 1948 йилда эса унинг лойиҳа сифимида кўрсатилганидек 650 млн қуб. м га етказиш бўйича қурилиш ишларини якунлаш;
- 1947 йилда Ўртатўқай сув омборидаги асосий ишларни бажариш ва кейинги йилда унинг қурилишини тўла якунлаш;
- 1947 йилда Шимолий Тошкент, Жун, Дюшамбинка-Қоратоғ, Тошкент каналларидағи, Сариқўргон гидротехник узелидаги қурилиш ишларини якунлаш, шунингдек, “Охунбобоев” каналидаги ишларни бошлаб юбориш [3. 279].

Шундай қилиб, 1947–1948 йилларда совет хукумати ва Ўзбекистон ССР раҳбарияти томонидан Республикада бу каби кенг кўламдаги янги ирригация қурилишининг олиб борилиши нафақат ирригация иншоотларини ривожлантиришга, балки суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам катта замин яратиши керак эди. Шу асосда пахта етиштиришни жадал суръатлар билан ривожлантириш, совет давлати саноати ҳамда Россия, Украина ва Белоруссия каби совет Республикаларининг тўқимачилик корхоналарини пахта хом-ашёси билан таъминлаш совет хукумати ҳамда Республика раҳбарияти олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлди. Ушбу мақсадда СССР ва Республика хукуматлари томонидан Ўзбекистон ССРда трактор паркини кескин ошириш, пахтачиликни комплекс механизациялаш, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш учун катта маблағ ва минерал ўғитлар ажратилди.

Мазкур вазифаларни бажаришда аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш, янги қишлоқ колхоз ва совхозларни ташкил қилиш ушбу сиёsatнинг таркибий ва муҳим жиҳатларидан бири бўлди.

Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш бўйича Фарғона водийсида улкан ишлар амалга оширилган. XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб янги ерларни суғориш, мелиорация ва мавжуд ирригацион тизимларини яхшилаш соҳасида бир қанча амалий тадбирлар бажарилган. Мазкур даврда катта Фарғона, Шимолий ва Жанубий Фарғона, “Охунбобоев” канали ҳамда бошқа сув иншоотлари қурилган. 200 минг гектар ерни қамраб оладиган Сариқ сув йирик куритиш системаси, Қорақалпоқ ва бошқа коллектор дренаж тизимлари бунёд этилган. Кўп сонли суғориш иншоотларининг қурилиши натижасида Фарғона, Андижон ва Наманган областларида сув захираларидан фойдаланишни яхшилаш, айниқса, серсув Норин дарёсининг сувидан фойдаланиш имкониятини берди [4. 170].

Ушбу сиёsatнинг мантиқий давоми сифатида совет хукумати ва Республика раҳбариятлари томонидан беш йиллик (1951–1955 йй.) режаси ҳамда 1952 йилда бўлиб ўтган ЎзКП(б)нинг IX съезди резолюцияларида Фарғона водийсидаги суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш ва қўриқ ерларни ўзлаштириш долзарб масалалар сифатида қайд этилди.

Янги ерлардан самарали фойдаланиш ва суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш вазифалари КПСС XIX съезди СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951–1955 йилларга мўлжалланган Директиваларда ҳам белгилаб берилди. Ушбу съезд резолюцияларида Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзалари, Марказий Фарғона каби районларда суғориш тизимларини қуриш ишлари давом эттирилиши уқтирилган [4. 170].

Бу каби ишларнинг амалга оширилиши, яъни ирригация тизимининг кенгайиши ўз навбатида янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жалб қилиш имкониятини берди. Натижада, Марказий Фарғонада кўп миқдорда бўш ётган ҳосилдор қўриқ ва бўз ерлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Ушбу ерларни тезроқ фойдаланишга киритиш мақсадида Андижон, Наманган ва Фарғона областларининг колхозчилари ҳукуматга “бу ерларда суғориш ишларини амалга ошириш учун колхозларнинг бўлинмас фондлари маблағи ҳисобига бажариш учун мурожаат қилдилар”. Шу мақсадда 1953 йилда “Ферганводстрой” қурилиш трести, областларда эса янги ерларни суғориш ишларини колхозларнинг бўлинмас фондлари маблағлари ҳисобига бажарувчи қурилиш монтаж идоралари ташкил этилган.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, СССР ҳукуматининг қарорига мувофиқ, янги ўзлаштирилётган ерларда турар жойлар ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш учун сарфланадиган маблағлар, шунингдек, ер қазувчи механизмлар, экскаваторлар, автотранспорт ва бошқа жиҳозлар билан “Ферганводстрой” қурилиш трестини таъминлаш давлат бюджети ҳисобига бажарилди. Натижада, ушбу ташкилот турли маблағ ва ускуналар билан ҳам тўлиқ таъминланди.

Фарғона водийсида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация-мелиорация ишларини янада жадаллаштириш мақсадида аввалги йилларда қабул қилинган қарорларга қўшимча бошқа янги қарорлар қабул қилинган. СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда “Пахтачиликни келгусида ривожлантириш учун ЎзССРнинг Андижон, Наманган ва Фарғона областларида ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди [5. 14]. Навбатдаги бу каби норматив ҳужжатлардан бири – бу КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон ССРда 1954–1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида”ги қарори бўлиб, унда Фарғона водийсида 142 минг га, шу жумладан, 116 минг гектар экин майдонни Марказий Фарғонада ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилган эди. Ушбу майдоннинг 50 минг гектари эса Наманган обlastinинг зиммасига тушган эди. Ушбу миқдор Наманган обlastinинг (XX аср 50-йиллар ўрталари) колхоз ва совхозларида экиладиган майдоннинг учдан бир қисмига teng эди [6. 2].

Наманган обlastinинг янги ўзлаштирилиши назарда тутилган ерлар Дамқўл, Оққум, Момохон, Аччиққўл, Найман ва Бўз массивларида жойлашган эди. Ушбу ерлар ўзлаштирилгандан сўнг XX аср 50-йилларнинг иккинчи ярмида ҳар бири 1,5-1,6 минг гектардан ер майдонга эга бўлган 30 тадан ортиқ колхозлар ташкил қилинган. Янги ўзлаштирилган ерларда 30 минг га ерга пахта экилган [5. 3].

Умуман Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг кейинги ривожланиши ҳам ўхшаш бўлиб, уни Андижон обlastи мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ушбу обlastda пахта экин майдонлари 1955 йилдан 1965 йилгача 31,7 минг гектарга кўпайди ва 1965 йилга келиб 179,6 минг гектарни ташкил этди [7. 331-332].

XX аср 50-йилларнинг ўрталарида Фарғона водийсининг айрим районлари ва аксарият колхозларида пахта майдони умумий экин майдонининг 80 фоиздан кўпроғини ташкил қилган. Масалан, Андижон обlastи районларига 1957-1960 йилларда пахта экиладиган майдонларни 7,7 минг гектарга кенгайтириш, ялпи пахта ҳосилини эса 84,1 минг тоннага етказиш мажбурияти юклатилган эди [8. 32]. Ушбу вазифани ҳал этишда алмашлаб экишга ҳам эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек,

колхозлар хўжаликнинг бошқа соҳалари, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор беришлари керак бўлган. Республика раҳбариятининг фикрига кўра, мазкур вазифани амалга ошириш учун янги ерларни ўзлаштириш лозим эди.

1950 йилларнинг ўрталарига келиб Фарғона водийси колхозлари етарли миқдорда ишлаб чиқариш ва пул маблағларининг ижтимоий фондларини тўплаган эди. Масалан, Наманган областдаги колхозларда 1956 йилнинг 1 январига келиб 270 минг рубл пул мавжуд бўлиб, ушбу маблағни сувга муҳтоҷ бўлган колхозлар хўжалигини кенгайтириш, шунингдек чўл минтақасидаги ерларни ўзлаштириш орқали пахтачиликни янада ривожлантириш учун сарфланиши белгилаб берилди [6. 4].

Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришдан нафақат Республика иқтисодиёти, балки Фарғона водийсининг колхозлари ҳам манфаатдор бўлган. Чунки, бу билан пахта майдонлари кенгайиши билан бир қаторда, алмашлаб экиш учун ҳам янги имкониятлар яратилган. Сув хўжалиги қурилишида амалга оширилган ишлар эса янги ташкил қилинган хўжаликларни сув билан таъминлаш, Марказий Фарғона зонасида экилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилган ва шу билан пахтанинг ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга имконият туғдирган.

СССР Министрлар Совети ва КПСС МКнинг 1954 йил 9 февралдаги “ЎзССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида” [6. 3] ги қарорида Фарғона водийси областларида 142 минг гектар, шундан Марказий Фарғонада 116 минг гектар ерни ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилди. Жумладан, Бўз тумани бўйича 1950 йилдан 1954 йилгacha 2803 гектар ер ўзлаштирилди, 1953-1958 йилларда эса 2960 гектар ер ўзлаштирилди [4. 173].

Марказий Фарғонада 1954 йилдан 1960 йилгacha 23 100 гектар, 1960 йилдан 1965 йилгacha эса 17400 гектар дан кўпроқ янги ер ўзлаштирилди [4. 173]. Ўзлаштирилган ерларда пахтачиликка ихтисослашган Бўз, Ёзёвон ва Задарё (ҳозирги Мингбулоқ) туманлари ташкил этилди.

Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш аввалги йиллардаги каби 1950 йилларнинг иккинчи ярми ва 1960 йиллар учун ҳам характерли тенденция бўлиб қолаверди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг сентябрь (1956 й.) Пленумида КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1956 йил 6 августда қабул қилинган “Ўзбекистон ва Қозогистон ССРда пахта етиштиришни кўпайтириш учун Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш ҳақида”ги қарорини бажариш юзасидан Республика партия ташкилотининг вазифалари белгилаб берилган эди [3. 772].

Таъкидлаш жоизки, Республикада пахта етиштиришнинг ялпи салмоғи йилдан-йил ошиб борса-да, 1951-1955 йилларда ҳосилдорлик кўтарилилмади, аксинча, пасайиш ҳоллари кузатилди. Агар 1950-1953 йилларда ҳар га ердан 21,1 ц.дан ҳосил олинган бўлса, 1954 йилда эса у 20,1 ц.ни, 1955 йилда эса 18,9 ц.ни ташкил қилди, холос. Натижада эса ялпи ҳосил ҳам камайди. 1955 йилда ўтган йилдагидан 200 минг т. кам пахта тайёрланди [9. 224].

Андижон обlastидаги пахта экин майдонлари 1954 йилда 164,7 минг гектарга етказилди (1953 йилда 150 минг гектарни ташкил қилган эди). Пахта ҳосили 1953 йилда 24 ц.ни ташкил қилган бўлса, 1954 йилда эса гектардан ўртacha 28,5 ц.гача ҳосил олинди. Беш йил ичida вилоятда 48 минг гектар янги ерлар қишлоқ хўжалиги истеъмолига

киритилди, унинг 32 минг гектар суғориладиган ерлар ва 16 минг гектар суғориш тизимида фойдаланилмайдиган ерлардан иборат бўлди. Фақатгина 1954 йилнинг ўзида областда 15,9 минг гектар янги ер ўзлаштирилди [4. 205-206].

1956 йилда Республикада ҳаммаси бўлиб 2,7 миллион гектар суғориладиган ер майдони мавжуд эди. Лекин, шунга қарамасдан, совет ҳукумати суғориладиган экин майдонларини янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига янада қўпайтириш талаб қилди. Совет ҳукуматининг юқорида кўрсатиб ўтилган қарорига кўра, 1964 йилгача келиб Мирзачўлнинг ўзида Ўзбекистон ССР олдига 300 минг гектар ерни ўзлаштириш вазифаси қўйилди [3. 773].

Ушбу режани амалга ошириш учун яқин 5-6 йил ичидаги Республика худудида улкан гидротехник иншоотлар – Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларини қуриш, шунингдек, “Киров” номидаги Шимолий Мирзачўл каналини кенгайтириш каби йирик лойиҳалар амалга оширилиши керак эди. Шунингдек, қуввати 40 минг кВт бўлган Мирзачўл гидроэлектростанцияси, Сирдарё станциясидан то Жиззах шаҳригacha узунлиги 60 км бўлган темир йўлни қуриш ҳам режалаштирилган эди. Шунингдек, 23 та пахтачилик совхозлари, 23 та пахта тозалаш заводлари, йўллар қуриш, алоқа воситаларини ўрнатиш каби ишлар амалга ошириш ушбу қарорда кўрсатилган эди [3. 774].

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда пахта етиштиришни қўпайтириш учун Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш ҳақида”ги қарор қабул қилинганига қадар Республика, шу жумладан, Фарғона водийсида бир қатор кўзга қўринарли ишлар бажарилган эди. Масалан, Республика бўйича 1954 йилдан бошлаб ирригацияни ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилиб, капитал қўйилмалар йилига 82 миллион рублдан 331 миллион рублгача ошиб, тўрт йил давомида 1 миллиард рублдан кўп бўлди [3. 827].

1953 йилдан то 1957 йил 1 июлга қадар бўлган вақтда “Ферганводстрой” қурилиш трести Марказий Фарғонанинг чўл зоналарини суғориш ва қуритиш мақсадида сув хўжалиги қурилиши бўйича бир қанча ишларни олиб борди. Давлат бюджети ҳисобидан кўп миқдорда турар-жойлар, таъмирлаш ташкилотлари, бетон заводлари, автобазалар, гаражлар, ёғочни қайта ишлайдиган заводлар ва бошқа ёрдамчи ташкилотлар қурилди [6. 5].

Мазкур даврда 20 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойлар битказилиб қурувчилар учун фойдаланишга топширилди. 58 минг га майдондаги қўриқ ва бўз ерларнинг ирригация мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун иш бошланган эди. 44 минг гектар майдондаги ернинг иригацион-мелиоратив тайёргарлиги тўлалигича тугатилди, 14 минг гектар майдонда капитал планировка ўтказилди [6. 6].

Шунингдек, сув хўжалиги қурилишидан ташқари бошқа ишлар, жумладан экин ер майдонларини планировка қилиш, магистрал автомобил йўлларини қуриш ҳамда қишлоқларда қурилиш ишларини олиб бориш, артезиан қудуқлар қазиш ва ҳоказолар амалга оширилган.

Лекин, ушбу ишларни бажаришда бир қанча камчиликларга йўл қўйилган эди. 1957 йилга қадар Марказий Фарғонада иш олиб бораётган ташкилотлар ўз фаолиятларини мустақил олиб боришган ва улар орасида яқин алоқа ва контакт бўлмаган. Марказий Фарғонани суғориш ва ўзлаштиришда умумий схеманинг

бўлмаганлиги сабабли (у фақат 1957 йилда тузилган), ушбу ишларни амалга ошириш бир ягона режа асосида олиб борилмади, шунингдек турли корхоналар ишини мувофиқлаштирувчи ташкилот ҳам мавжуд эмас эди. Фақат 1957 йилдан бошлаб сув хўжалиги қурилишини мувофиқлаштириш қилиш бўйича колхозлараро ташкилот сифатида Марказий Фарғонани суғориш ва ўзлаштириш Совети тузилди. Натижада, янги ерларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар, йўлларни қуриш каби барча масалар билан шуғулланувчи ягона ташкилотга асос солинди [6. 4].

1950 йилларнинг иккинчи ярмида қурилиш ташкилотлари томонидан Охунбобоев номли каналнинг бош иншооти қуриб битказилди, натижада каналнинг сув ўтказиши қобилияти анча ошди. Шу билан бирга, каналдан чиққан бир қанча йирик тармоқлар қурилди ва уларнинг бош иншоатлари бетондан ва темир-бетондан ишланди. Шунингдек, Момохон ва Қорақалпоқ каби йирик коллекторлар қурилди, Дамқўл коллектори эса кенгайтирилди, бир неча юз километр суғориш каналлари ва дренажлар қурилди [6. 8]. Натижада, 14271 гектар, шу жумладан, 13741 гектар қўриқ ер ва 540 гектар Улуғнор массивидаги ташландиқ ер майдони суғориш учун тайёрлаб қўйилди. Лекин, шу билан бирга янги ерларни ўзлаштиришда камчиликлар ҳам мавжуд эди. “Охунбобоев” каналининг совхоз секторидаги иншоат вақтида қурилмаганлиги сабабли Сирдарёда сув камайган вақтда ушбу каналга сув керакли миқдорда етказиб берилмаган.

Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда Фарғона областларида амалга ошириладиган ишларнинг кўлами турлича бўлган. Масалан, Наманган области бўйича 1957 йилда қўйидаги ишлар бажарилиши керак эди: “Охунбобоев” канали тизими бўйича 15 млн. 882 минг кубометр ер ишлари, 19,4 минг кубометр бетон ва темир-бетон ишлари, Фарбий Ёзёвон ҳамда Оқкўл массиви бўйича 2,7 миллион кубометр ер ишлари ва 3,0 минг кбометр бетон ҳамда темир-бетон ишлари, Аччиқўл бўйича 12 млн. 325 минг кубометр ер ишлари ва 12,3 минг кубометр бетон ва темир-бетон ишларини бажариш режалаштирилган эди [6. 9].

1963 йилгача Марказий Фарғонада 60 минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилди. Эскидан ҳайдалиб келинган ерларда ҳосилдорликни кўтаришда Катта Фарғона канали улкан роль ўйнади. Шу йил ҳосилдорлик гектардан 24 ц.ни ташкил қилди [10. 32]. 1964 йилгача водийнинг янги суғориладиган массивларида 2000 км дан узунроқ турли каналлар, 2000 км дан ортиқ ер ости канал-кувур ва коллекторлар, 7000 дан кўп гидротехник иншоатлар қурилди [11. 48]. Таъкидлаш жоизки, 1953-1963 йилларда Марказий Фарғонада 72,54 минг гектар қўриқ ерга сув чиқариб суғорилди ва ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланди [12. 39].

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида юқорида қайд этилган камчиликлар билан бирга, бошқа соҳа, яъни янги ташкил қилинган колхозларда аҳоли учун турар-жой ва маданий-маиший ҳамда хўжалик ишлаб чиқариши учун мослаштирилган бинолар қурилишида ҳам бир қатор хатоларга ҳам йўл қўйилган. Шунингдек, ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечишда жуда муҳим ўрин тутган вазифалардан бири бўлган транспорт коммуникациясини ривожлантириш яъни автомобил йўллари қурилишига алоҳида эътибор берилган.

Масалан, Наманган обlastida бу каби йўллар Шаҳанд кўпригидан Ёзёвонгача, Мингбулоқдан Қорақалпоқча, Қорақалпоқдан Пунгонгача, Тўрақўрғондан Чустгача ва

Мингбулоқдан Ёзёвонгача мавжуд бўлган. Уларнинг асосий вазифаси Марказий Фарғонада ташкил қилинган янги жамоа хўжаликларни бошқа худудлар билан боғлаш эди. Шу билан бирга ушбу йўлларнинг қурилиши область районларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун ҳам имконият яратди. Лекин, ушбу ишларни амалга оширишда совет раҳбарияти томонидан ижтимоий соҳага етарли эътибор берилмаганлиги сабабли кўп ишлар ўлда-жўлда бажарилган эди.

Республикада янги ташкил қилинган колхозларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим бўлган қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш, яъни сув қувурларини ҳамда электр энергияси билан таъминлаш учун юқори вольтли электр линияларини ўтказиш ва телефон алоқасини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, янги қишлоқларни радиолаштириш ва телефон алоқасини ишга тушириш ҳам режалаштирилишига қарамай, ушбу вазифалар иккинчи даражали аҳамият касб этган.

Шу билан бирга, янги хўжаликларнинг иктисодий фаолиятини такомиллаштириш ва унинг структурасини яратиш учун 4 та пахта тайёрлаш пункти, Задарё райони (ҳозирги Мингбулоқ)да ва Қорақалпоқ станциясида биттадан пахта тозалаш заводлари ҳамда бошқа кўпгина муассаларни қуриш режалаштирилган эди [6. 7-8].

Пахтачиликни ривожлантириш учун эса янги ерларни ўзлаштириш ва бу ерларда асосан, янги пахтачилик колхоз ва совхозларини ташкил қилиш ҳамда у жойларга аҳоли зич жойлашган худудлардан одамларни кўчириш тадқиқ қилинаётган давр учун муҳим иктисодий-ижтимоий жараёнлардан бири сифатида кўрилган.

Таъкидлаш жоизки, кўчириш сиёсати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Иттифоқда, шу жумладан, РСФСР, Грузия ССР, Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР, Озарбойжон ССР каби иттифоқдош Республикаларда ҳам амалга оширилган эди [12. 19]. Ушбу сиёсатнинг бориши совет раҳбарияти томонидан ташкиллаштирилган ва қаттиқ назорат қилинган. Аҳолини кўчириш ва янги совхоз ҳамда колхозлар ташкил қилиш маъсулиятли вазифа бўлиб, уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати қошида “Кўчириш бошқармаси” ташкил этилди. Унинг вазифасига ўзлаштириладиган ерларда янги колхоз ва совхозларни барпо этиш, уларни иш кучи билан таъминлаш учун аҳоли зич жойлашган ерлардан одамларни кўчиришни ташкил қилиш каби вазифалар юклатилган эди.

Кўчириш бошқармасининг областларда бўлимлари ташкил қилиниб, улардаги ходимларнинг штатлар сони доим ўзгариб турган. Масалан, 1954 йилда тасдиқланган ходимлар сонини қўриб чиқадиган бўлсақ, энг кўп ходимлар Тошкент обlastининг 15 та районида бўлиб, уларнинг сони 17 та эди. Фарғона обlastининг 5 та районида 6 та, Наманган обlastининг 5 та районида 5 та, Андижон обlastининг 6 та районида бта, Самарқанд обlastининг 5 та районида 5 та, Сурхондарё обlastининг 3 та районида 3 та, Хоразм обlastининг 1 та районида 1 та, Қорақалпоғистон АССРнинг 5 та районида 5 та штатдаги ходимлар фаолият юритган [12. 31-32].

Аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш жараёнини ташкил қилиш билан бирга, катта тайёргарлик ишларини ҳам амалга ошириш керак эди. Республика ҳукумати томонидан бу каби ишларнинг режаси ва йўналишлари ишлаб чиқилган. Бунга кўра, янги ташкил қилинган колхозлардаги кўприклар ва сув таъминоти манбалари давлат бюджети ҳисобига бажарилиши белгиланган эди.

Аҳолини янги ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларга 1952–1953 йиллардаги кўчириш динамикасини Ўзбекистон ССР ва областлари кесимида кўриб чиқсак, ушбу жараён қуидагича кечган: Тошкент обlastida 1952 йилда режадаги 4200 та хўжалик ўрнига 4597 та (109,4 %), 1953 йилда режадаги 2100 та оила ўрнига атиги 505 та хўжалик кўчирилиб (24,0 %), биринчи йилда режа ортиғи билан бажарилган бўлса, кейинги йилнинг натижаси умуман қониқарсиз аҳволда бўлган [12. 65].

Самарқанд обlastida ушбу давр бўйича аҳолини кўчириш умуман қониқарсиз бўлган. 1952 йилда 500 та оила ўрнига атиги 145 та (29,0), 1953 йилда эса режадаги 1000 та хўжалик ўрнига эса 273 та (27,3%) оила кўчирилган. Худди шундай салбий ҳолат Бухоро обlastida ҳам кузатилган. Биринчи йилда режадаги 500 та ўрнига атиги 58 та (11,6%) оила кўчирилган бўлса, кейинги йилда эса умуман кўчириш кампанияси амалга оширилмаган. Республика бўйича эса 1952 йилда режадаги 8000 та хўжалик ўрнига 7568 та (94,6), 1953 йилда эса режадаги 6000 та ўрнига атиги 3047 та (50,8 %) оила янги ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларга кўчирилган эди [12. 65].

Ўзбекистон ССРда 1950 йилларнинг бошида амалга оширилган кўчириш кампанияси бир қатор камчиликларга эга эди. Ушбу камчиликларни Республикада кўчирилган аҳолининг катта қисмини ташкил қилган Тошкент обlastи мисолида ҳам намоён бўлган эди. Яъни, 1950 йилларнинг бошларида янги ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларнинг иқтисодий аҳволи ночор бўлган ҳамда давлат томонидан берилган турли имтиёзлар уларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун чекланган имконият яратган.

Республикада урушдан кейинги йилларда бошланган янги ерларни ўзлаштириш ва бу ерларга аҳолини кўчириш сиёсати биринчи навбатда пахта етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида олиб борилди. Ушбу жараён бундан кейин ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди, ҳамда ССР ва ЎзССР раҳбариятлари томонидан аграр соҳани ривожлантиришнинг бош йўналишларидан бири сифатида эътироф қилинди. Ушбу омилни ССР Министрлар Советининг 1954 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон ССРда 1954–1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақидаги” Қарорининг қабул қилиниши мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу хужжат асосида фақат 1954 йилнинг ўзида янги ўзлаштирилаётган суғориш ерларидаги колхозларга 6000та хўжаликни кўчириш режалаштирилган эди [12. 58].

Умуман олганда, 1954–1958 йиллар давомида эса Ўзбекистон ССРдаги янги ўзлаштирилган ерларга Республика бўйича асосан, суғорилмайдиган районлардан 40 мингта хўжалик кўчирилиши керак эди. Йиллар кесимида эса бу қуидагича акс этган эди. 1955 йилда 7000 та, 1956 йилда 8000 та, 1957 йилда 9000 та, ва 1958 йилда эса 10000 та хўжаликни кўчириш белгиланган бўлиб, ҳар йилда кўчириладиган хўжаликларнинг сони 1000 тадан кўпайиб бориши керак эди [12. 34].

Бу эса ўз навбатида, Республиkaning иқтисодий ўсиши, шу жумладан, қурилиш соҳасининг ривожланиши учун ҳам имконият туғдирар эди. Масалан, фақат 1954 йилнинг ўзида кўчирилган аҳоли учун Ўзбекистон ССР бўйича тахминан 6500 та уй-жой қурилиши режалаштирилган эди. Таъкидлаш жоизки, 1950 йилларнинг иккинчи ярмида аҳолини янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини сабабли ушбу жараён оммавий равишда нафақат Ўзбекистон ССР, балки бошқа совет Республикаларида ҳам бошланди. Мазкур ижтимоий-иктисодий жараён

узоқ йиллар давомида совет аграр сиёсатининг узвий қисмларидан бири бўлиб қолди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Хамадова Н. Ш. Деятельность коммунистической партии Узбекистана по восстановлению и дальнейшему развитию ирригации республики в годы четвертой пятилетки (1946–1950). Дисс. на соиск. учёной степени к.и.н. – Ташкент, 1975.
2. Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
3. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том второй. 1938 – 1959. Ташкент: Узбекистан, 1988.
4. Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951–1991 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Андижон, 2017.
5. Фарғона вилояти давлат архиви. 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-ийғма жилд.
6. Наманган вилояти давлат архиви. 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-иш.
7. Шамсутдинов Р. Т., Исоқов А. А. Андижон тарихидан лавҳалар. Т., Sharq. – Б.
8. Андижон вилояти давлат архиви. 608-жамғарма, 1-рўйхат, 844-ийғма жилд.
9. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. Т., Ўзбекистон, 1994.
10. Расулов К., Мурадуллаев Ш. Главная артерия жемчужной долины. –Ташкент: Меҳнат, 1990.
11. Наринский К.М. Яшнаган қўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари).–Тошкент: Ўзбекистон, 1965.
12. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш.
13. Mukhammadiev, K. B., Mirzakulov, I. M., & Karimov, A. H. (2022, June). Methodological fundamentals of formation of ecological culture in students. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030054). AIP Publishing LLC.
14. Otamirzaevich, S. G. (2022). THE IMPORTANCE OF THE INTERNET IN THE SOCIAL LIFE OF UZBEKISTAN. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(7).
15. Sotiboldiyev, G. O. (2017). Domestic policy of the kokand in the norbutabiya era (1763-1798). Теория и практика современной науки, (4), 45-48.
16. Abbasov, B. B. (2021). SOME ASPECTS OF RESETTLEMENT POLICY IN ANDIJAN REGION. Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 139-146.
17. Abbasov, B. B. (2020). THE STRUCTURE OF AGRICULTURE OF THE UZBEKISTAN IN SECOND HALF 1940S-EARLY 1950S. In Advanced science (pp. 60-63).
18. Аббасов, Б. Б. (2016). Историчность истории государственного архива города Намангана. Евразийский Союз Ученых, (3-5 (24)), 113-114.
19. Жураев, Х. Т. (2017). ВЗАИМОСВЯЗЬ ПОЛИТИКИ И РЕЛИГИИ. Теория и практика современной науки, (5), 298-301.
20. Jo'rayev, X. (2019). "Turkistan collection" is an important resource in studying the history of the policy of the Russian Empire's population migration to Turkistan. Scientific journal of the Fergana State University, 2(4), 94-97.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*Nº S/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масьулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).